

246_Tietoa karanteenipäätöksen saaneelle
[uzbekki]

Карантинга олинганлар учун маълумотлар

Сизнинг COVID-19 инфекциясини юқтирган шахс билан яқин мулоқотда бўлганлигингизни аниқладик ва шунинг учун сизни карантинга олиш тўғрисида буйруқ чиқарилди. Карантин соғлом шахснинг ҳаракатланишининг чекланишини англатади. Карантинга олишдан касаллик симптомлари мавжуд бўлган шахснинг бошқа шахсларга касалликни юқтиришининг олдини олиш учун фойдаланилади. Карантинга олиш тўғрисидаги қарор Юкумли касалликлар тўғрисидаги Қонунга асосан қабул қилинади.

Карантин даври

Карантиннинг давом этиш даври сиз карантинга олингангизда кўрсатилади. Карантин даври одатда сўнги таъсирлашиш вақтидан бошлаб 10 кунни ташкил қилади. Битта уйда биттадан кўп одам яшайдиган ҳолларда карантин даври икки ҳафтани ташкил қилади. Бу давр симптомлар пайдо бўлган кундан ёки, симптомсиз шахслар учун, намуна олинган санадан бошланади.

Карантинга олиш амалиётда нимани англатади?

Карантинга олингангизда уй хўжалигингиздан ташқаридаги кишилар билан учрашмаслигингиз керак. Карантин даврини уйингизда ўтказишингиз керак. Агар бошқа кишиларга яқинлашмасангиз, ташқарига чиқишингиз мумкин. Ишхонангизга, мактабга, кундузи қатнайдиган жойларингизга, кўнгилочар жойларга, дўкон ва дорихоналарга бормаслигингиз керак, чунки бундай жойларга одамларга яқин келишининг олдини олиш жуда қийин. Ҳеч қандай ташриф буюрувчи билан учрашишингиз мумкин эмас ва озиқ-овқат маҳсулотлари уйингизга олиб келиб берилиши керак.

Касаллик юқтирган кишилар билан яқин алоқада бўлмаган яқин дўстларингиз ва қариндошларингиз одатдагидек яшашни давом эттиришлари мумкин. Бу яқин дўстларингиз ва қариндошларингизнинг карантинга олинган шахс сингари карантинга олинмаганликларини англатади. Карантинга олинган шахс билан таниш бўлган одамлар бошқаларга कोरोनाвирус юқтирмайдилар.

Агар сизга ҳеч ким озиқ-овқатлар ёки дориларни етказиб бера олмаса, 09 310 44400 ишонч телефони орқали Ижтимоий хизматларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Коронавирус юқтирганлик симптомлари

Toinen linja 4 A PL 6000, 00099 HELSINGIN KAUPUNKI
Andra linjen 4 A PB 6000, 00099 HELSINGFORS STAD
Toinen linja 4A Почта қутиси 6000, 00099 ХЕЛЬСИНКИ ШАҲРИ

Puhelin 09 310 5015
Tel. 09 310 5015
Ten. 09 310 5015

www.hel.fi/sote
www.hel.fi/sote/sv
www.hel.fi/sote/en

246_Tietoa karanteenipäätöksen saaneelle
[uzbekki]

Инфекция юқиши билан дастлабки симптомлар пайдо бўлиши ўртасида ўтадиган вақт 1–14 кунни, кўпчилик ҳолларда 5–6 кунни ташкил қилади. Коронавирус касаллигига хос бўлган симптомлар истима, йўтал, бош оғриғи, кўнгил айнаши, диарея, мушак оғриғи, томоқ оғриғи, бурундан сув келиши ёки бурун битиши, нафас етишмаслиги ҳамда ҳид ва таъм билишнинг йўқолишини ўз ичига олади.

246_Tietoa karanteenipäätöksen saaneelle
[uzbekki]

Қандай қилиб коронавирус тести топширишга ёзила оламан?

Агар сизда карантин даврида хаттоки энгил шаклда бўлса ҳам юқоридаги симптомлар пайдо бўлса, дарҳол коронавирус тестидан ўтишга ҳаракат қилинг. Сиз Omaolo.fi сайтидаги коронавирус симптомларини баҳолаш шаклини тўлдириш ёки Коронавирус бўйича ишонч телефони 09 310 10024 га қўнғироқ қилиш (ҳар куни 8:00–18:00) орқали коронавирус тести учун тайинловни буюртма қилишингиз мумкин. Шошилиш ҳолларда 116 117 рақами орқали Тиббий ишонч телефони га қўнғироқ қилинг.

Агар фарзандингиз карантинга олинган бўлса ҳам сизга бу билдиришнома тақдим этилади. Васийлар ўзларининг 16 ёшдан кичик фарзандлари учун Omaolo.fi хизмати орқали ёки Коррнавирис бўйича ишонч телефони 09 310 10024 га қўнғироқ қилиш орқали тайинловларни буюртма қилишлари ҳам мумкин.

Даромаднинг йўқотилганлиги учун товон пули

Карантин тўғрисидаги буйруқ туфайли даромаднинг йўқотилиши юқумли касаллик ҳисобига касаллик учун нафақа кўринишида сизга қоплаб берилади. Бунинг учун Ижтимоий суғурта институтига (Kela) ариза беришингиз мумкин. Сиз Хельсинки шаҳар юқумли касалликлар шифокори томонидан ёзилган карантин тўғрисидаги қарорни оласиз, у аризангизга илова қилиниши керак. Карантин тўғрисидаги қарор сизга рўйхатга олинган хат ёки хавфсиз электрон хат сифатида сизга автоматик тарзда юборилади. Аризангизни карантин тўғрисидаги қарор чиққанидан кейинги икки ой ичида Kela ташкилотига юборишингиз керак.

Юқумли касалликлар бўйича нафақа карантин туфайли ишга бормаслик натижасида йўқотилган даромад учун тўлиқ товон пулидир. Ходимларнинг кунлик нафақаси ишга борганида олиши мумкин бўлган иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисобланади. Тадбиркорга бериладиган нафақа YEL ёки MYEL суғурта бадалларини ҳисоблашга асос бўлувчи йиллик ҳақиқий даромадига асосланган ҳолда ҳисобланади. 16 ёшдан кичик болалар карантинга олинганларида ва шунинг учун уларнинг васийлари ишлай олмаган ҳолларда бундай васийларга юқумли касаллик нафақаси тўланади. Батафсил маълумотлар www.kela.fi/web/en/sickness-allowances-infectious-disease сайтида берилган.

Карантин мажбурийдир

Сиз юқумли касалликлар бўйича ваколатли орган томонидан чиқарилган карантин тўғрисидаги буйруққа амал қилишингиз шарт. Финляндия қонунига кўра карантин

Toinen linja 4 A PL 6000, 00099 HELSINGIN KAUPUNKI
Andra linjen 4 A PB 6000, 00099 HELSINGFORS STAD
Toinen linja 4A Почта қутиси 6000, 00099 ХЕЛЬСИНКИ ШАҲРИ

Puhelin 09 310 5015
Tel. 09 310 5015
Тел. 09 310 5015

www.hel.fi/sote
www.hel.fi/sote/sv
www.hel.fi/sote/en

246_Tietoa karanteenipäätöksen saaneelle
[uzbekki]

тўғрисидаги буйруқни бузганлик учун хаттоки сиз ҳеч кимга касаллик юқтирмаган ҳолларда ҳам соғлиқни сақлаш қоидаларига қарши жиноят сифатида жазоланишингиз ва бунинг учун жарима ёки уч ойгача қамоққа олиш жазоси тайинланиши мумкин.

Карантинда бўлганлар учун қўшимча кўрсатмаларни www.hel.fi/helsinki/coronavirus-en сайтидан топиш мумкин.